


НАМАНГАН ВИЛОЯТ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ БОШҚАРМАСИ

НАМАНГАН ВИЛОЯТ ПЕДАГОГ КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ

Жисмоний тарбия, санъат ва меҳнат
таълими кафедраси

Муסיқа маданияти дарсларида ўқувчиларга «Катта
ашула» ҳақида маълумотлар бериш.

(методик тавсия)



Наманган – 2008

НАМАНГАН ВИЛОЯТ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ БОШҚАРМАСИ

Вилоят халқ таълими педагог ходимларини қайта
тайёрлаш ва малакасини ошириш институти

Жисмоний тарбия, санъат ва меҳнат
таълими кафедраси

Муסיқа маданияти дарсларида ўқувчиларга «Катта ашула» ҳақида
маълумотлар бериш.

(методик тавсия)

Наманган – 2008

Ушбу матодик тавсия мактаб мусиқа маданияти фани ўқитувчилари ҳамда тўғарак раҳбарлари учун мўлжалланган.

Тузувчи: Р.Бобоев – Жисмоний тарбия, санъат ва меҳнат таълими кафедраси ўқитувчиси.

Ҳ. Тожибоев – Жисмоний тарбия, санъат ва меҳнат таълими кафедраси мудири

Такризчилар: К.Маърулов – Чуст туман 19-мактабнинг олий тоифали мусиқа маданияти фани ўқитувчиси

Ушбу методик тавсия жисмоний тарбия, санъат ва меҳнат таълими кафедрасининг 2008 йил ____даги йигилишида муҳокама қилинган ҳамда институт илмий кенгашининг 2008 йил _____ даги йигилишида ____-сонли баённома билан тасдиқланган.

Муסיқа маданияти дарсларида ўқувчиларга «катта ашула» ҳақида маълумотлар бериш.

Р Е Ж А :

1. Кириш.
2. Муסיқа маданияти дарсларида ўқувчиларга «Катта ашула» ҳақида маълумотлар бериш.
3. Муסיқа маданияти дарсларининг муסיқа тинглаш қисмида катта ашулалардан намуналар тинглатиш.
4. Хулоса,

Барча ўқув фанлари қатори муסיқий таълимда ҳам давлат таълим стандартларининг жорий этилиши миллий муסיқий мерослардан тўлалигича фойдаланиш имконини берди. Бўлар оммавий *халқ* куй ва кўшикларида, хонанда ва созандаларнинг ижодий фаолиятлари, мақом, шашмақом, достонлар ва бугунги замонавий муסיқа фаолиятида ўз аксини топди, Муסיқа санъатининг бу каби имкониятлари янги авлодини тарбиялашда, уларни баркамол бўлиб етишларида ўзига хос манба бўлиб хизмат қилади. Муסיқа маданияти фани буйича 7-синф битирувчиларининг тайёргарлик даражасига (қўйиладиган талабларда миллий муסיқа амалиётида маҳаллий услублар ва ҳар бир маҳаллий услубда ўзига хос ижрсчилик услублари ҳамда чолғу асбобларини ва машҳур муסיқа жанри (достон, **катта** ашула, яллачилик ва бошқалар)ни шунингдек уларнинг машҳур ижрочиларини билишни кўрсатиб ўтилган.

Дастурида 7-синфнинг II-чорагида Фарғона - Тошкент ҳамда Хоразим воҳалари муסיқий услублари билан танишув амалга оширилиши режалаштирилган,

Шу боис албатта, ўқувчиларга катта ашула ҳақида тушунча бериш зарур

бўлади.

Лекин 7-синф дарслигида катта ашула ҳақида етарли маълумот берилмаган, Шу боис ушбу методик тавсияномани мусиқа маданияти ўқитувчиларига жуда катта фойдаси тегади деган умидда тайерланди.

Чунки улар ўқувчиларга катта ашула ҳақида қуйидаги маълумотларни беради.

Ўзбек мусиқа меросидаги қадимий жанрлардан бўлган "катта ашула" ўлкамизнинг Фарғона водийсига хос ажойиб бир мўжизадир,

Истеъдодли хушовоз хофизлар ижросида авлоддан-авлодга ўтиб, асрлар оша бизгача етиб келган бу сермазмун ва сеҳрли санъат намунаси "катта ашула" ёки "ликобли ашула» "патнусли ашула" профессионал (касбий мусиқамизнинг) етакчи жанрларидан бири сифатида ўзига хос услуб ва мураккаб тузилиши билан алоҳида ажралиб турада.

Катта ашулага ҳеч қандай чолғу асбоби жўр бўлмайди, Хофизнинг қўлида кичик бир патнис ёки ликобча бўлади. Патнис товушни маълум даражада баланд чиқаради, товушни бир томонга йўналтириш ва усулни йўқтмай, чертиб туриш учун хизмат қилади.

Катта ашула ижро этувчининг овози баланд ва нафаси кенг (узун) бўлиши шарт, Шунинг учун ҳам бу ашулани кўпроқ профессионал ашулачилар ижро этишади. Одатда бу ашулани икки баъзан уч, тўрт ашулачи тик турган ҳолда ижро этада, Лекин ҳамнафас ижрочиларнинг овозлари бир-бирига мос бўлиши керак.

Одатда катта ашула классик шоирларимизнинг шеърлари биан атилиб келган ва кўпроқ Навоий, Лутфий, Машраб, Муқумий, Фурқат, Завқий, Ҳазинний, Мискин ва бошқаларнинг лирик, ишқий, динний шеръларидан фойдаланилган. Бу эса ўз навбатида худди шу шеърларга хос услуб ҳамда аруз вазни хусуссиятларнинг катта ашула жанри шаклланиши ва ривожланишида муҳим аҳамият касб этганлигидан далолат беради.

Айни вақтда катта ашула бўйича ихтисослануви хофизлар ҳам мусиқий ижрочилик муаммолари билан бир қаторда шеърятга хос қонуниятни тубдан ўрганишни лозим кўрадилар. Чунки ўз ижрочилик фаолитларида ҳам куй билан сўз бир – бутунлигига алоҳида этибор берадилар.

Аммо катта ашула ижрочилигида кўпгина бошқа жанрларда кузатилганидек шеърлар ўзгарувчандир. Ҳар бир ҳофиз ўз диди ва ижодий интилишларига таянган ҳолда маълум шоир асарларини танлайди, лекин танланган шеър ўз уммум мазмуни ва тузилиши жиҳатдан олдин ижро этилиб келинган ашула шеърига яқин бўлиши кераклиги ҳам алоҳида эътиборга оинади.

Лекин халқ шеъри одатда катта ашулда ишлатилмайди. Ҳатто замонавий шорилар шеърларидан ҳам деярли аруз вазнида ёзилганларини танлаб олади. Яъни, Ушшоқ ва Чоргоҳлардан олдин келадиган «Ёввойи» ибораси маълум мақом қисмларининг эркинроқ услубда, аниқроғи мақомларга хос доира усулига қатъий риоя этмасдан асил нусхани бироз ўзгартириб, катта ашула тусида ижро этилган намуналарига нисбатан ишлатилади.

Бундай катта ашула услубида айтилган мақомларнинг номлари олдида «Патнис», яъни, «патнуски» сўзини қўшиб «Патнис Чоргоҳ» тарзида айтилиши ҳам юқоридаги маънодадир.

Катта ашула ижрочилигида одатда томонидан айтилиши деярли шўролар давридагина расм бўла бошлади. Бундай ҳофизларнинг моҳир намоёндалари сифатида биз ўзбек операсининг атоқли бўлбўли Ҳалима Носировани фахр билан тилга оламиз.

Шоир Акмал Пўлатнинг замонавий мавзудаги шеърлари билан Ҳалима Носирова ҳамда Фотима Боруховлар томонидан кўтаринки руҳда ижро этилган «Меҳнат аҳли» ашуласи шинавандаларни ҳамон ҳушнуд этмоқда.

Лекин бу ашула миллий халқ асбобларимиз жўрлигида ижро этилаётганлигига тез-тез гувоҳ бўлмоқдамиз. Аммо бундай ижролар ҳам катта ашула шинавандаларини жуда ҳушнуд этмоқда. айрим хонандаларни халқимиз Ҳофиз деб номлаганлар. «Ҳофиз» сўзи арабча сўз бўлиб, «эсда сақловчи» деган маънони билдиради.

Илгарилари «Қуръон»ни ёддан қироат билан чиройили ўқиганларни халқимиз ҳофиз деб номлаб атагалар, кейинчалик ашула ва мақом йўлларини моҳирлик билан ижро этган, халқ урматига сазовор бўлган айрим хонандаларни халқимиз «ҳофиз» деб ҳурматлаганлар. Ашула айтиш санъатнинг юқори чўққиларини эгаллаган мулла Тўйчи Тошмуҳаммедов, Шораҳим Шомуров, Ҳожи Абдулазиз Абдурасулов, Жўрахон Султоов ва бошқа атоқли хонандалар номига ҳурмат билан ҳофиз унвони қўшиб айтилган.

Масалан: мула Тойчи ҳофиз, Жўрахон ҳофиз ва бошқалар.

Республикаимизда ашуллачилик санъатида катта хизмат қилинган хонанда санъат арбобларига Республикаимиз Президенти «Халқ ҳофизии» унвнини бермоқда.

Олдин халқ орасида катта ашулачилардан Мамдбобо Сатторов, Эркақори Каримов, Жўрахон Султонов, Маъмуржон Узоқов, Саидмузаффар Азизов, Ҳамрақулқори, Шерқўзи Бойқўзиев, Акбарқори Ҳайдаров ва шунга ўхшаш кўплани номлари оммалашган бўлса, бугунги кунда уларнинг қаторига Орифхон Ҳотамов, Маҳмуджон Тожибоев, Дилнура Мирзакулова, маҳмуджон Йўлдошев ва шу каби кўчиликнинг номлари қўшилиб бормоқда.

Айрим катта ашулчиларнинг номлари Республикаимизда эмас, хорижий мамлакатларда ҳам танилган. Улардан Қувасойлик ота-бола Солижон Ҳошимов ва Одилжон Солиевлар 1971 йили Москвада бўлиб ўтган Халқаро мусиқа анжумани диққатини юксак бадиий – эмоционал таъсирчанлик била таъсирчанлик билан характерланувчи «катта ашула» га жалб этдилар ҳамда ушбу жанр анъанавий ижрочилигига хос бой мусиқавий – самимий олқишлар ва таҳсинларга сазовор бўлдилар.

Худди шу хоандалар ижросида ёзиб олинган замонавий мавзудаги катта ашула (М. Қодиров шеъри) Азиз дехқонларсиз» эса 1976 йили Филиппинда бўлиб ўтган «Осиё мусиқаси» халқаро анжуманида хакамлари хайати томонидан бутун мамлакатлар радиоси орқали тарғиб этишга лойиқ моҳирона ижро этилган бадиий юксак асар деб танланди. Бунинг боиси ҳам катта ашул тасвирий имкониятларининг бойлигидадир. Шу ўринда мусиқа маданияти дарсларида мусиқа тинглатишдаги 4 та асосий пайтларга риоя қилган ҳолда ўқувчиларга «Катта ашула» номли грампластинкани ушбу «Азиз дехқонларсиз» номли ашулани тинглатиш зарур бўлади. (Бундай грампластинкаси йўқ ўқитувчиларга методик тавсия нома муаллифидан магнит тасмасига ушбу ашулани ёзиб кетиш тавсия этилади ёки грампластинкадаги ҳамма ёзувларни магнит тасмасига кўчириб кетиш мумкин бўлади. Чунки бу грампластинкадаги катта ашула ҳақида Ф. Караматов шарҳи ва жуда кўп катта ашулачилар ижро этган ижролар мавжуд).

«Азиз дехқонларсиз»

Чўлни гулстон этган, азиз дехқонларсиз,
Боши кўкларга етган, азиз дехқонларсиз,

Мусобақа байроғин доим балан тутиб,
Мара сари интилан, азиз деҳқонларсиз
Азиз деҳқонларсиз, меҳри дарёларсиз.

Юртимизнинг бойлигин ана шараф ва шони
Оқ олтинлар тоғу, тоғ. Азиз деҳқонларсиз.
қақраб ётган ерларнинг обихаётин йўллаб,
барпо этган боғу-роғ, азиз деҳқонларсиз.
Азиз деҳқонларсиз, меҳри дарёларсиз.

Қўлни қўлга беришиб пахтакорлик шаънига
Сурмаган зарра доғ, азиз деҳқонларсиз.
Мутал айтур таърифлаб. Сизлар марду майдонлар
қалбини қилган чоғ, азиз деҳқонлар сиз.
Азиз деҳқонларсиз, меҳри дарёларсиз.

Ҳозирги биз тинглаган «Азиз деҳқонларсиз» номли катта ашула ижрочилари ота-бола Солижон Ҳошимов ҳамида Одилжон Солиевлардир.

Халқ ичидан чиққан, ҳақиқий халқ ҳофизи Солижон ота Ҳошимов 1898йилда Қувасой шаҳрининг сўфон қишлоғида таваллуд топган. Отаси Ҳошим бобо асли деҳқон бўлсада. Яхшигина ашула айтар, тўй йиғинларида ҳамқишлоқларини ўз қўшиқлари билан хурсанд этарди. Унинг доғруғи атрофларга ҳам ёйилган эди. Солижон ота умр бўйи деҳқончилик қилди, қатор боғла яратди, ширин – шакар қовун тарвузлар етиштирди, лекин қўшиққа бўлган ҳавас ёшликдан Арсиф қирларитагидаги боғлар қўйида бор овози илан ашула айтиб юрган давридан бошланган.

Солижон ҳофиз катта устозлардан таълим олмади, лекин давраларда, базмларда, сайилларда устоз ҳофизлардан эшитилган ашулаларни куйлаб юриб, ўзи ҳам ашулалар яратиб айта бошлади. Шу билан қўшиқчиликнинг мураккаб йўли бўлган «патнусаки какатта ашула» йўлини танлади ва одамни ўзига тортувчи қандайдир оҳанграболик бор эдики, тингловчига тезда таъсир қиларди.

Солижон Ҳошимов ёлғиз ўзи ашула ижро этиш билан бирга. Ҳамнафас шогирдлари билан қўшиқларни маромига етказиб куйлашар эди. Раҳматуллаҳўа фарзандлари Назиржон, Одилжон, набираси Адҳамжонлар қўшилди. Солижон ота катта ашулаларни ҳамнафаслари билан ижро этганда ҳам баланд авжини ўзи олар эди. У

ижро этган «Қачон келасиз?», «Чоргоҳ», «Азиз деҳқонларсиз», «Боғаро», «Эй чехраси тобоним». «Хайрул башар», «Кириб бўстонни кездим», «Фарғонам», «Ўзбекистоним» сингари ашулалари Республика радиосининг олтин жамғармасидан ўрин олган.

Ажойиб инсон, сеҳрли овоз соҳиби Солижон ота ҳошимов 1994 йил 10 ноябр куни 97 ёшида вафот этди ва жонажон қишлоғида дафн қилинди.

Ҳа ўзининг бир асрлик умри давомида одамларга фақат яхшилик улашган, давраларда ёниб куйлаган. Саҳий қалб эгаси Солижон ота Ҳошимовнинг ибратли ҳаёт йўли таҳсинларга сазовордир. Унинг қуйидаги қўшиқлари одамлар қалбида ҳақиқий сўнмас наво бўлиб қолади.

Ўғли Одилжон Солиев 1967 йилда Фарғона давлат мусиқа билим юртининг ашулачилик бўлимини тугатиб, журналистика ихтисослигига эга бўлган. Узоқ йиллар ҳозирги «Фарғона ҳақиқати» газетасида ишлаган ва кўплаб шеърлари ҳамда ҳажвий асарлари эълон қилинган. Кейинги йилларда А. Қодировнинг «Ажал шарпалари» қиссаси эълон қилинди. Кўпчилик Абдумутал акани футбол шарҳловчиси сифатида билади, чунки узоқ йиллар «нефтчи» футбол жамосининг ўйинларини шарҳлаб борган. Абдумутал ака аслида узоқ йиллардан бери Фарғона вилояти телерадиокомпанияси радио эшиттиришлар бўлимида ишлаш билан бирга бадиий ижод билан ҳам шуғулланиб келмоқда.

Узоқ йиллик меҳнати эвазига Абдумутал Қодиров «Шуҳрат медали» билан мукофотланган.

Абдумутал акага мустаҳкам соғлиқ узоқ умр ва ижодий ишларида улкан муваффақиятлар тилаймиз.

Шу ўринда яна шоир Ҳазиний шеъри билан айтилган «Ёввойи Чоргоҳ» номли пайтнускаки катта ашулани грамапластинкадан Мамадбобо Сатторов ҳамда Ҳожимурод Муҳамедовларнинг кексайиб қолган чоғларида ёзиб олинган ижроларини эшиттириш мумкин.

Ҳазиний ғазали, халқ куйи.

Кело дилимни равшансиз рўшно келинг,
Афтодларни сўрағали бир ошно келинг,
Ҳали табоҳнинг қошиға мушкулкушо келинг,
/урбаткашида куллараро, эй дилкушо, келинг.
Вақти иёдатин сўраб, кулбам кушо келинг.

Ман ташнаман висолингга, эй ёр қайдасан,
Кўнгулдаги дарду ғамнинг ағёрга айтсан,
Ўтлик шаробин бериб куйдурса, қайтасан,
/урбаткашида куллараро, эй дилкушо, келинг.
Вақти иёдатин сўраб, кулбам кушо келинг.

Сабру қарорим қолмади, йўлинда кўз тутиб,
Умрим ичинда доимо ишқнинг билан ўтиб,
Тиғи ситмаларинг мани жонимга қасд этуб,
/урбаткашида куллараро, эй дилкушо, келинг.
Вақти иёдатин сўраб, кулбам кушо келинг.

Зарра тарххумэтмадинг, эй шўхи пуситам,
Рўзи азалда ёзмиши чун котиби қалам,
Йўқламасанг Ҳазинийини. Юз дарду, минг алам,
/урбаткашида куллараро, эй дилкушо, келинг.
Вақти иёдатин сўраб, кулбам кушо келинг.

Мамадбобо Сатторов 1885 йили Марғилонда тавалуд топган. Унинг отаси Саттор ҳофиз элга танилган ашулачи бўлиб, хуш овози билан барчани ром этарди. Мамадбобонинг мурғак қалбида санъатга бўлган ҳавас эндигина уйғогна бошлаган пайтида отаси дунёданбевақт кўз юмади. Лекин унинг қўшиққа бўлган эҳтироси сўнмади, аксинча отаси севган касбни давом этиришга бел боғлади.

1923 йили Москвада биринчи қишлоқ хўжалик кўргазмаси ташкил этилганда Мамадбобо Сатторов, Тўйчи ҳофиз, Тамарахоним, Ўктамхон яллачи, Юсуфжон қизик, Аҳмаджон кўшнай, Абдуқодир найчи, Тўхтасин Жалилов каби атоқли санъаткорлар билан бирга Ўзбекистон павилионида бўлган концертда қатнашган. Кейинчалик Муҳиддин қори Ёкубов уни ўзи тузган Ўзбек этнографик ансамбилига таклиф қилади ва бу даргоҳда чинакам ижодий баркамолликка эришади. Шу йиллар унинг дастуридан «Кўп эрди хасратим жоно», Бир келиб кетсин, «Айладинг», «Ул кун жонон», «Адашганман», Эй, Дилбари жоним» сингари қўшиқлар ўрин олган эди.

Ҳофизнинг кўп йиллик хизматлари муносиб тақдирланиб, 1939 йили унга «Ўзбекистон халқ ҳофизи» фахрий унвони берилди.

Даҳшатли уруш йиллари Мамадбобо Сатторов Усмон Юсуповнинг таклифи билан Янгийўлга келди ва бе ерда ташкил этилган мусиқали драма театрида ишлайди. Жўрахон Султонов, Маъмуржон Узоқов, Ортиқхўжа Имомохўжаев, Сатторов Ярашев сингари шоргирдлари билан спектакилдаги кўшиқ ва яллаларни маромига етказиб ижро этарди, Мамадбобо сатторов Усмон Юсуповнинг таклифи билан Янгийўлга келди ва бу ерда ташкил шогирдларига йўлланма берди.

Ҳофиз умрининг охиригача куйлашдан қолмади ва 85 ёшида Марғилонда вафот этди унингатор кўшиқлари мажмуаси, устоз болатабой Ражабов билан патнусак ашула йўлларида айтилган кўшиқлари Республика радиосининг олтин жамғармасида сақланмоқда, Фарзандлари, набирали, шогирдлари, ҳамюртлари унинг хотирасини ҳамиша ёдда сақлаб келмоқдалар.

«Ёввойи Чоргоҳ» ғазалини ёзган шоир Зиёвуддинхон Эшон Ҳазиний кўқон яқинидаги Кегас қишлоғида 1867 – 1932 йилларда яшаб ижод қилган. Ҳазиний домла ғазалхон шоир бўлиши илан бирга, танбур чертиб ажойиб хониш қиладилар.

Мамабобо Ҳазинийнинг доврўғини кўпдан эшитиб юрар, бу улўғ зот билан суҳбат қилишни жуда орзу қиларди ва шу мақсадда шоирнинг ҳузурига борарди ҳамда бир неча муддат у кишининг уйида юриб, ғазалиёт илмини ва кўшиқ йўлларини ўрганиб қайтди, «Чоргоҳ», «Ушоқ», «Муножот», сингари кўшиқларнинг патнускаси йўлларини Ҳазиний домладан ўргангани ҳофиз эслаб юради.

Бугунги кунда Ҳазиний шеъри билан жуда кўп ашулалар ижро этмоқда. Мамадбобо сатторов ижро этган қуйидаги «Кириб бўстонни кездим» номли ашуланинг шеърини эса чархий ёзган.

Кириб бўстонни кездим аста-аста,
Чаманинг бўлбўли гул хори хаста.
Қаддингга нозанин гул даста-даста,
Жамолинг кеўргали олам ҳавасда.

На жонда оразинг бўлдихувайдо,
Кўнглида меҳру ишқинг бўлди пайдо.
Бинафша кокилинг бўйингга шайдо,
Санобар қадди шамшодингга баста.

Такаллум боғида тўтини боғлаб,
Гирифтор айлади кўксини доғлаб,
Чаман бўлбўллари ёнингда боғлаб,
Сенингдек гул чекар кумри қафасда.

Аламлдур манки бағрим эзарман,
Сени деб дашту сахрони кезарман.
Тахайюр кунжида равнақ кезарман,
Қўлинг Чархийга нозик бўлди баста.

Бу катта ашуланинг Асқарали Ўғли Чархий 1900 йилда Қўқонда таваллуд топган. Бўлғуси шори Сулаймонкул Рожий, Мирза Хўқондий каби Қоқонлик шоирлардан аруз қоидаларини ўрганди. Асқарали Чархий тахаллуси билан шеърлар ёзиб юрган бўлса-да, уларни узоқ вақтгача матбуотда эълон қилинмайди.

Чархий 1938 – 1939 йиллардан бошлаб Қўқондаги «Янги Фарғона» газетасида, «Муштум» журналинда фаол қатнашди. Шоир «Ширин ва аччиқ» (1059), «Шеърлар» (1966), «Алихўжа ва Хўжаали» (1970), «Девон» (1972) номли китобларини ўқувчиларга тақдим этди.

Чархий мумтоз адабиётимизнинг асосий вазн-аруз тизимида ва мумтоз шеърининг турли жанрларида ижод этган. У кўп йиллар давомида Қўқондаги Муқомий уй-музейида илмий ходим бўлиб ишлаган.

1975 йил Республикамиз ҳукумати шоир Чархийга «Ўзбекистон халқ шоири» деган фахрий унвон берди.

Чархий истеъдодли ғазалнавис, ажойибқўшиқчи – шоир. Жонкуяр маърифатчи сифатида ихлосмандлари хотирасида ўчмас из қолдирди.

У 1979 йил 18 Декабр Қўқонда вафот этди.

(Ўқитувчи ўз имкониятига қараб, юқоирда қайд этилган ашулалардан биронтасини ёки бошқа биронта катта ашулани тинглатиши мумкин бўлади. Лекин ашулланинг муаллифлари ва ижроچиси ҳақида қисқача маълумот бериши керак).

Катта ашула ижрочилигида турли йўналишлар, ижрочи мактаблар мавжудлиги, айниқса, Марғидлон, Қўқон, Наманган каби шаҳарларга мансуб ёрқин локалхусусиятлар билан ажралиб туривчи ижрочили услублари ҳамда ҳар бир моҳир ижрочи гуруҳ одатда 2-4 кишидан иборат ҳамнафас ҳофизлар ансамблини ҳам ўзига хос

усулублари мавжудлиги. Ушбу жанр тасвирий имкониятларини янада бойитилди.

(бу ўринда ҳам ўқитувчи ўз имкониятидан келиб чиқиб, марғилон. Қўқон, наманган ёки Андижон ижрочилик мактабларига мансб бўлган ижрочилар томонидан ижро қилинган катта ашуллардан моҳир намуналар тинглатиши мумкин).

Юқорида биз тинглаган моҳир катта ашулани фақатгина Фарғона водийсидагина эмас, бутун республикаимиз, қолаверса ўзга қардош республикаларда ҳам кенг тарғиб этилишда. Ушбу жанр шинавандаларини борган сари кўпайиб боришида муҳим роль ўйнайди.

Катта ашула уста бастакорларимиз ва тажрибали моҳир копазиторларимиз диққатини ҳамон жалб этиб, асарларида муҳим ўрин эгаллаб келиши ўз навбатида мусиқа маданиятимиз ривожига муҳим манбалардан бири сифатида катта аҳамият касб этаётганидан далолат беради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

1. Ўзбекитон Республикаси ХТВ нинг ахборотномаси 199 йил, 6-махсус сони Умумий ўрта таълим ўқув дастури: Мусиқа тасвирий санъат, жисмоний тарбия
2. Ф. Каримов, Ўзбек халқи мусиқа мероси. /./улом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. Е. 1978. 7-9 бетлар.

3. Ўзбек мусиқаси тарихи. Тузувчи: Т.Е. Соломовна. Т. «Ўқитувчи» 1981. 33-35 бетлар
4. Ил. Акбаров. Луғати. Т. «Ўқитувчи» 1997 123,383-бетлар
5. С.Маннопов.Сўнмас Наволар (илмий-оммабоп балдийй рисола). «Фарғона» наширёти. 2002. 35 –38, 51-53, 99-бетлар.